6 **УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ БОЛАСИ**

*Миллий урф-одат ва янги педагогик технология асосида тарбияланмоқда*



11 **ЎЗБЕКНИНГ ПАЗАНДА ЎҒЛОНИ**

*дунё ошпазларини ҳайратга солди*



12 **САМАРҚАНДНИНГ ГЕРМАНИЯЛИК ҚИЗИ**




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА www.jamiyatgzt.uz 2007 йил 15 июнь № 24 (37)


# ВАТАН АРДОҒИДАГИ БОЛАЛИК



***Бу йил ёзги таътил кунларини мамлакатимиз мактаб ўқувчилари ўзгача бир завқ билан ўтказишмоқда. Улар сунъий кўлларда ва тоғ ёнбағирларидаги сув ҳавзаларида чўмилишиб, турфа оромгоҳларда дам олишмоқда.***

***«Ижтимоий ҳимоя йили» ёзги соғломлаштириш мавсумида 230 минг нафардан зиёд ўқувчи ўғил-қизлар 770 га яқин оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун жами 12 млрд. сўмга яқин маблағ сарфлаш кўзда тутилган.***

5-саҳифада

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 июнь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ва XI Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари Санкт-Петербург саммити доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.***

Тошкентдаги Миллий санъатлар марказида 12 июнь куни «Болажонлар — ширинтойлар — 2007» республика болалар модаси фестивали бўлиб ўтди. Уни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Осиё рамзи» Ўзбекистон мода уюшмаси ташкил этди. Уларга «Янги авлод форуми» ва «Чодир хаёл» болалар ижодиёти марказлари кўмаклашди.

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Марокаш энергетика ва тоғ-кон саноати вазири Муҳаммад Буталиб раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 июнь куни «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раиси билан учрашди.***

13 июнь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Шарқ якка курашлари ва жанг санъати маркази, Миллий телерадиокомпания ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Машриқзамин маликаси — 2007» республика кўрик танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг олий соврини — Гран-прига таэквондо бўйича тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати совриндори Дилобар Сайдуллаева муносиб, деб топилди.

**«Жамият» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади.**

2007 йил 15 июнь №24 (37)

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

# ЯНГИЛАНИШ ВА БУНЁДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 14 июнь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.***

***Давлатимиз раҳбари Бухоро заминига сафарини Ромитан туманидаги «Саттор—Камол» фермер хўжалиги далаларини кўздан кечириш билан бошлади. Абдураҳим Сатторов раҳбарлигидаги мазкур фермер хўжалигининг 26 гектар майдонида ғўза баравж ўсаётган бўлса, 8 гектардаги ғаллага ўроқ тушган. Ўз вақтида йиғиб олинаётган ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига ўртача 64 центнерни ташкил этаётир. Хўжалик аъзолари ялпи хирмонни 50 тоннадан оширишни мўлжалламоқда. Юртбошимиз фермер ва механизаторлар билан суҳбатлашди.***

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

— ФЕРМЕРЛАР юртимиз истиқболини таъминлайдиган, унинг оғир юкига елкасини тута оладиган қудратли кучга айланаётгани бизни қувонтиради, — деди давлатимиз раҳбари. — Ҳақиқий деҳқон, аввало, ер билан тиллаша билиши, унинг дардига малҳам бўла олиши, шу билан бирга, бозор иқтисодиётининг қонун ва талабларини чуқур англаб етиши ва уларга қатъий амал қилиши лозим. Шунда у ўз олдига қўйган мақсадга эришиши муқаррар.

Жорий йилда Бухоро вилоятида фермер хўжаликларининг умумий сони ўн беш мингга етди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўла фермерлар зиммасига ўтди.

Бу йил бухоролик миришкорлар 127 минг гектардан зиёд майдонда ғўза парвариш қилмоқдалар. 61 минг гектар ердаги ғалла эса жадал суръатлар билан ўриб-йиғиб олинмоқда. Вилоят пиллакорлари давлатга 2 минг 783 тонна «кумуш тола» топшириб, шартнома мажбуриятини ошиғи билан бажардилар.

— Фермерлик ҳаракати ўзини оқламоқда, — деди Юртбошимиз фермерлар билан суҳбатда. — Ишончим комилки, яқин орада мамлакатимизнинг забардаст фермерлари дунёнинг илғор давлатларидаги мулкдорлардан қолишмайдиган бўлади.

Президентимиз Абу Али ибн Сино туғилган Пешку туманидаги Афшона қишлоғида бўлиб, улуғ аллома музейини кўздан кечирди.

— Дунё мамлакатларида бугунги кунда ҳам тиббиёт асослари Абу Али ибн Сино қолдирган мерос асосида ўқиб-ўрганилаётгани маълум, — деди Юртбошимиз. — Бу — улуғ бобомизнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган бемисл ҳиссасининг жаҳоний эътирофидир. Шу маънода музейни янгидан-янги экспонатлар билан бойитиш, бунда тарихий ҳақиқат мезонларидан келиб чиқиб иш тутиш зарур.

***Жорий йилда Бухоро вилоятида фермер хўжаликларининг умумий сони ўн беш мингга етди. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўла фермерлар зиммасига ўтди.***

Ислом Каримов ўтган йил ишга туширилган Афшона тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари билан учрашди.

Улуғ аллома музейи, унинг ҳайкали ўрнатилган майдонга туташ мазкур мажмуа — 540 ўринли замонавий билим даргоҳи — барча қулайликларга эга. Бу ерда умумий амалиёт ҳамширалари ва диагност-лаборантлар тайёрланади. Шинам ётоқхона, минглаб нусхадаги китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, компьютер ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ўқувчилар ихтиёрида.

Юртбошимиз ўқувчилар билан суҳбатда уларни мақсад сари дадил интилишга ва қийинчиликлардан чўчимасликка даъват этди.

Коллеж ўқувчилари мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятида барча шарт-шароитлар яратилган мана шундай таълим масканлари бунёд этилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Ислом Каримов Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди.

Юртимизда барча соҳалар қатори маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия жабҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аждодларимиз қадамжоларини ободонлаштириш, улар қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиб, тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари мажмуани зиёрат қилар экан, бу муборак зот мангу қўним топган ушбу маскан барчамизни эзгуликка чорловчи муқаддас қадамжо бўлиб қолаверишини таъкидлади. Зиёратгоҳ ҳудудига воҳа иқлим шароитига мос сўлим ва серсоя дарахтларни кўпроқ экиш лозимлигини тавсия этди.

Юртбошимиз Бухоро шаҳрининг янги бош меъморий лойиҳаси билан танишар экан, замонавий бино ва иншоотлар қурилиши қадимий обидаларга уйғун ҳолда олиб борилиши зарурлигига эътиборни қаратди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари маҳаллий иқлим шароити ва меъморчилик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов «Бухоро гилами» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ишга туширилганига энди бир йил бўлган корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати беш юз минг квадрат метр гилам маҳсулотларини ташкил қилади. Айни пайтда унда уч юз эллик нафар киши иш билан банд. Замонавий технологиялар асосида тўқилаётган бежирим гиламларга буюртмалар тобора кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари билан суҳбатда маҳсулот ишлаб чиқариш борасида эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш зарурлигини қайд этди.

«Сомоний» деҳқон бозори — Бухоронинг қадимий йирик савдо мажмуаларидан. Қайта реконструкция қилингач, у замонавий қиёфа касб этиб, харидор ва сотувчилар учун зарур шарт-шароитларга эга бўлди.

— Бозор — эл-юрт фаровонлигининг кўзгусидир, — деди давлатимиз раҳбари сотувчи ва харидорлар билан мулоқот чоғида. — Бозорларимиз янада тўкин ва серфайз, аҳоли эса сифатли савдо хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятлари бундан ҳам ошмоғи лозим.

***Юртимизда барча соҳалар қатори маънавият ва маърифат, таълим ва тарбия жабҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буюк аждодларимиз қадамжоларини ободонлаштириш, улар қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиб, тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Хусусан, янги тиббиёт ва соғломлаштириш масканларини барпо этишга, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор янада кучаймоқда.

Президентимиз Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига ташриф буюриб, тарбияланувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Юзга яқин ўғил-қиз тарбияланаётган мазкур муассасада болаларнинг замон талаблари асосида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Юртбошимиз Меҳрибонлик уйига замонавий микроавтобус совға қилди.

# ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

***Қўқонлик Дилбар Абдураҳимова ота-боболаридан мерос тўқувчилик касбини ривожлантириш мақсадида мўъжаз корхона очишга аҳд қилди. Лекин бу борада малака ва билим етишмаслиги унга бироз панд берди. Корхона фаолиятини ҳа деганда юргиза олмади. Шу орада шаҳардаги «Нодира» марказида ўқув курслари ташкил этилганлиги ҳақида эшитиб қолди.***

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
«Жамият» мухбири



Суратда: *кичик тадбиркор Дилбар Абдураҳимова*

МАРКАЗДА тадбиркорликни энди бошлаётган фуқароларни тадбиркорлик асослари бўйича ўқитиш режалаштирилган эди. Малакали мутахассисларнинг берган билимлари натижасида Дилбар Абдураҳимова сингари ўнлаб кичик бизнесга қўл урганлар фаолиятларини тўла-тўкис йўлга қўйиб олишди.

Ҳа, Қўқон шаҳар Тадбиркор аёл уюшмаси қошида ташкил этилган «Нодира» маркази бу борада янги иш бошловчиларга кўмак бериб келмоқда. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлмиш марказ ўз лойиҳалари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг танловларида кўп бора иштирок этган. 2006 йилнинг март ойида Фонднинг 1-тур лойиҳалар танловида мазкур марказ тақдим этган «Фарғона вилоятининг тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларини тадбиркорлик асослари бўйича ўқитиш ва кредит олиш имкониятлари билан таништириш» лойиҳаси грантга сазовор бўлди.

> ***«Нодира» маркази амалга оширган лойиҳа натижасида курсларда таҳсил олган бир неча юз фуқаронинг 70-80 фоизи тадбиркорлик фаолиятини тўла-тўкис йўлга қўйди.***

Лойиҳа бир йил муддатга белгиланган эди. Лойиҳа ҳозирданоқ ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

— Дастлаб ўқув курсларига фуқароларни жалб этиш осон бўлмади, — дейди марказ раҳбари Дилфуза Назирова. — Қўқон шаҳар меҳнат биржаси, Савдо-саноат палатасининг Қўқон шаҳар бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими билан ҳамкорлигимиз тадбиркорликка қизиқувчиларни жалб қилишда қўл келди. Қолаверса, эълонлар тарқатиб, халқни бу ўқув курсининг мазмун-моҳиятидан хабардор қилдик. Водий халқи асли тадбиркорликка эш эмасми, тез орада юзлаб кишилардан мурожаатлар бўлди. Марказ мутахассислари 5 кунлик ўқув-машғулотларда тингловчиларга бизнес-режа тузиш, кредит олиш жараёнлари, ҳозирги давр савдо малакаси ва тажрибасини тўла-тўкис ўргатишди.

— Лойиҳа муддати давомида ўнлаб семинар-тренинглар ўтказилди, — дея суҳбатга қўшилди марказ координатори Фароғат Эгамбердиева. — Уларнинг бир нечаси лойиҳа мавзуидан келиб чиқиб, Қўқон «Микрокредитбанк»ида ва Данғара туман Абдусамат қишлоғида ташкил этилди. Банкда ўтказилишининг сабаби тингловчилар тадбиркорликни бошлаш учун дастлабки сармояга эга бўлишлари, яъни уларда кредит олиш билан боғлиқ билимларини шакллантириш зарур эди. Абдусамат қишлоғида бўлиб ўтган тренингда 100 нафардан зиёд фермерлар ва янги иш бошлаётган тадбиркорлар иштирок этишди. Мазкур семинарнинг натижаси ўлароқ бир неча фермерлар банкдан кредит олиб, фаолиятларини янада кенгайтиришди. Айниқса, уй бекалари бу ўқувдан кўплаб зарур маълумотларга эга бўладилар. Жумладан, қўқонлик Муаззам Сулаймонқулова нонвойлик қилиш истагида юрган эди, шу боис у семинардан кўп нарсани ўрганди. Ҳозир Муаззам опа ўз уйида нонвойлик цехи очиб, халқни ширин-ширин нонлар билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, семинар натижасида Абдусамат қишлоғидан Зироат Исмоилова ҳам зардўзликни ўргатадиган курс ташкил қилди. Ҳозирда Зироат опанинг хонадонида ўнлаб қизлар зардўзлик сир-синоатларини ўрганишмоқда.

«Нодира» маркази амалга оширган лойиҳа натижасида курсларда таҳсил олган бир неча юз фуқаронинг 70-80 фоизи тадбиркорлик фаолиятини тўла-тўкис йўлга қўйди. 50-60 фоизи эса «Микрокредитбанк»дан турли миқдордаги кредит маблағлари олишди.

Мақола аввалида тилга олинган тадбиркор Дилбар Абдураҳимова ўз хонадонида адрас тўқиш цехини ва унда ўнга яқин иш жойи ташкил қилиб аёлларимиз севиб кийядиган адрас матоларини етказиб бермоқда. Эндиликда фаолиятини кенгайтириш учун банкдан кредит олишни режалаштираяпти.

# ДАРЁГА ТУТАШ ИРМОҚЛАР

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма қарор тайёрлади. Унга биноан вилоятдаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилади ҳамда уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилади. Ушбу тадбир доирасида Зарбдор, Фориш, Зомин туманларида яшовчи 125 нафардан зиёд кексалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, қарорда вилоят шаҳар ва қишлоқларида ёлғиз қариялар учун дам олиш масканлари ҳам ташкил этилиши назарда тутилган.***

Норқул МАМИРОВ,
«Жамият»мухбири

УШБУ тадбирлардан мақсад, аҳоли соғлиғига эътиборни кучайтириш, ёлғиз кексаларга меҳр-саховат, ғамхўрлик кўрсатишдир, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Нодира Каримова.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурининг муҳим бандларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан дастур доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда кам таъминланган оилаларни дори-дармонлар, болалар кийим-кечаклари, санитария-гигиеник воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яқинда жамғарманинг вилоят бўлими ҳомийлар кўмагида Зомин тумани марказий шифохонасига катта миқдорда дори-дармон воситаларини ҳадя этди. Яна бир хайрли иш — Самарқанд шаҳридаги Скрининг маркази билан ҳамкорликда ҳомиладор аёллардан тест анализлари олиниши, текшириш давомида аниқланган хасталикларни даволаш учун беморларга тегишли тавсия ва хулосалар берилиши йўлга қўйилди.

— «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими бизга доимо амалий кўмак бериб келади, — дейди вилоят тез тиббий ёрдам шифохонаси бош врачи Мухтор Эшбеков. — Тиббиёт соҳасида ишлатиладиган юмшоқ асбоб-ускуналар ва турли дори-дармонларни беғараз етказиб турилибди.

Мамлакатимизда аҳоли манфаатлари, маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётган нодавлат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг таянчи сифатида халқ ва давлат муносабатларида кўприк вазифасини ўтаяпти. Бу ташкилотлар орасида халқ хизматига астойдил киришган, унинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган нодавлат муассасалардан «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси бамисоли теран бир дарёни эслатади. Унинг Жиззах вилояти бўлими эса сермаҳсул ирмоққа ўхшайди.

***Ахборот жараёнларининг глобаллашуви жамият олдига журналистлар маҳоратини юксалтириш масаласини қўймоқда. Бунинг учун табиийки, юксак малакали, тезкор, воқеликка холис ёндаша оладиган, ўз фикри ва ўз позициясига эга бўлган етук мутахассислар тайёрлаш лозим.***

# МАҲОРАТ ВА МАЛАКА МАКТАБИ

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА**

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаёти билан таништириш, уларнинг ана шу жараёнларда фаол иштирокини таъминлашда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин эгаллайди. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагидаги лойиҳа доирасида марказий нашрлар ва вилоят газеталари таҳририятлари қошида «Журналистик маҳорат маркази» ташкил этиш йўли билан маълум йўналишга ихтисослашган журналистларни тайёрлаш ва таҳририятларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш кўзда тутилган.

«Қашқадарё» газетаси қошида ташкил этилган марказ ўқув курси давомида вилоят оммавий ахборот воситаларининг ўнлаб ходимлари малака оширди, 20 нафар журналистикага қизиққан ёшлар эса дастлабки билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Ўқув курси якунида барча битирувчиларга сертификатлар топширилди.

Семинарлар давомида тингловчиларга «Жамиятни модернизациялаш ва демократлаштиришда ОАВнинг роли», «Хориж ва мамлакатимиз журналистикаси тарихи», «ОАВни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси», «Журналистикада ихтисослашув», «Билим ва маҳорат уйғунлиги», «ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асослари», «Танқидий материалларни тайёрлашда ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш», «Маҳаллий ОАВ фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш», «Компьютер ва Интернетда ишлаш» каби қатор мавзуларда маърузалар ўқилиб, амалий машғулотлар ташкил этилди.

— Ушбу семинар фаолиятимда муҳим аҳамият касб этди, — дея фикр билдиради Абдулла Бобоёров. — Дастлабки ўқувларда туман газетаси муҳаррири сифатида қатнашгандим. Семинарлардан олган таассуротларим туфайли вилоят ва марказий нашрлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдим. Бир неча таҳлилий мақолаларим чоп этилди. Касб маҳоратимни янада ошириш мақсадида айни пайтда иш фаолиятимни «Қашқадарё» газетасида давом эттираяпман.

— Университетнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаяпман,— дейди «Қашқадарё» газетаси мухбири Элбек Жуманов. — Бир неча йиллардан бери мақолалар ёзсам-да, журналистикада билимим етарли эмаслигини сезардим. Бундай семинарларда малакамни оширишга, соҳадаги илғор тажрибалар билан танишишга муваффақ бўлдим.

Ҳозирги пайтда жадал ривожланиб келаётган онлайн журналистикаси соҳанинг турли жанрларидаги материалларнинг халқаро андозаларга мос келишини тақозо этади. Шундай экан, инсоният тафаккури маҳсули бўлган янги ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш орқали оммавий ахборот воситаларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш журналистлардан катта куч, билим ва маҳорат талаб қилади. Бу борада дастлабки битирувчиларини муваффақиятли равишда амалиётга йўллаган маҳорат марказларининг фаолияти янада жонланишига ишонамиз.

**Хушхабар**




# СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кўмагида «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари қошида ташкил этилган «Журналистик маҳорат маркази»да дастлабки ўқув босқичи якунланди. Ўқув дастури асосида шаҳар, туман ва тармоқ газеталарида фаолият кўрсатаётган 20 нафар журналист, журналистикага қизиқувчи 25 нафар ёшлар малака оширдилар.***

ЎҚУВ жараёнида тингловчиларга ахборот хавфсизлиги, медиа-бизнес асослари, журналистика борасидаги илғор тажрибалар ўргатилди. Соҳадаги ўзгаришлар, янгиликлардан воқиф этилиб, вилоятда журналистикани давр талабига ҳамоҳанг ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Марказни битириб чиққан тингловчиларга сертификатлар топширилди. Унда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Андижон вилояти ҳокимиятининг вакиллари «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари ходимлари иштирок этдилар.

— Мақола, хабар, ҳикоялар ёзишга қизиқардим, — деди энг ёш битирувчи, Андижон Давлат тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Диллора Қурбонова. — Бу ерда назарий ва амалий сабоқлар олдим. Ўйлайманки, устозлардан олган билим ва кўникмалар менга асқотади...

— Мухбирликка ҳавасим ёшлигимданоқ баланд эди, — дейди Андижон шаҳридаги Гумбаз маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Қодиржон ота Абдураимов, — Мана,ниҳоят орзуим ушалди. Марказда ахборот, мақола ёзишни ўргандим. Энди булар асосий ишимда ҳам қўл келиши тайин.

Бундай таассуротлар битирувчиларнинг ҳар бирида бор, албатта. Улар энди жўшқин ҳаёт қўйнига йўл олдилар, уларнинг ўрнига эса янги тингловчилар келади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# «САДОИ СЎХ» САДОСИ

***Сўх тумани географик жойлашуви жиҳатидан ўзига хос ҳудуд ҳисобланади. Ер харитасида камдан-кам учрайдиган шундай хуш табиат гўшада яшаётган инсонлар тақдири халқимиз тақдирининг узвий бир қисмидир.***

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ,**

**«Жамият» мухбири**

ЯРИМ асрдан кўп вақт давомида мана шу ерда умргузаронлик қилаётган кўп миллатли аҳолининг ўй ва ташвишларига шерик бўлиб, уларни ўз саҳифаларида акс эттириб келаётган «Садои сўх» газетаси яқинда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг грантига сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур газета мустақиллик йилларида ўз қиёфасини, мазмун-моҳиятини кескин ўзгартирди. Собиқ шўро даврида таъқибга учраган қадимий қадриятларимизнинг қайта тикланишида, ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда ҳамда ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий қон-қариндошликни, дўстликни, маънавиятимиз, маданиятимиз илдизлари муштараклигини тарғиб этиш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. 2005 йилдан бошлаб «Садои сўх» газетаси икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида нашр этилмоқда.

Яқинда Фарғона вилояти журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан вилоятнинг қатор газеталари бош муҳаррирлари иштирокида «Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, инсон манфаатларини таъминлаш — бизнинг устувор вазифамиз» мавзуида семинар ўтказилди. Тадбир давомида вилоят журналистлари «Садои сўх» газетасининг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Газетамизда сўнгги икки-уч йилда катта ўзгаришлар юз берди, — дейди «Садои Сўх» газетаси бош муҳаррири Содиқжон Тоҳиров. — Унинг саҳифалари сони ошиб катта шаклда чоп этила бошланди. Натижада муштарийларимиз сафи кенгайди. Газетамиз воҳада энг замонавий матбаа корхонаси мавжуд бўлган Марғилон шаҳрида босилади. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти таҳририятни замонавий компьютер техникалари билан таъминлашда қўл келди. Биз бундан буён ҳам давр билан ҳамнафас тарзда туманимизда рўй бераётган янгиланишларни ўзида акс эттирадиган тиниқ кўзгу бўлишга астойдил ҳаракат қилаверамиз.

Бугунги кунда газета саҳифаларида «Қадрият», «Истиқлол ғунчалари», «Менинг маҳаллам» каби янги рукнлар очилди. Бу ўз навбатида азалий қардош халқлар ўртасидаги яқинликнинг яна бир кўриниши сифатида туман аҳолиси томонидан маъқулланиб, қўллаб-қувватланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, мамлакатимизнинг чекка туманларидаги нашрларга берилаётган эътибор, аввало, ўша ерда истиқомат қилаётган аҳолига қаратилган эътибордир.

КУН ТАРТИБИДА:

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



***Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбарлари ва филиаллар фаолларининг ўқуви бўлиб ўтди.***

**Гулжаҳон ЖАББОРОВА**

ОЛТИ кун давом этган мазкур тадбирда мамлакатни демократлаштиришда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ўрни ўзига хос эканлиги, хусусан, филиаллардаги иш жараёнини таҳлил қилиб бориш бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириши хусусида атрофлича фикр юритилди.

Йиғилишда лойиҳа ва филиал раҳбарларининг қилинган ишлар, келгуси режалар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Очиқ ва ошкора таҳлиллар давомида улар ўзлари учун зарур тадбирларни белгилаб олдилар. Партиялар ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ахборот хуружлари жараёнида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ва вазифалари, жамоатчилик назорати муаммоларига бағишланган интерактив машғулотлар иштирокчиларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлди.

— Институтимиз раҳбарияти томонидан ташкил этилган бу тадбир филиаллар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди, – дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё вилояти филиали катта илмий ходими Гулнора Холмаматова. – Тадбир давомида институтнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида вазифалар белгиланди.

Тадбирнинг иккинчи ярми Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилди. Бу ерда иштирокчилар академия фаолияти билан яқиндан танишдилар, филиал ва лойиҳа раҳбарлари ўртасида ижтимоий-сиёсий мавзуда тест синовлари ўтказилди.

***Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Фарғона филиали ташаббуси билан «Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

# ФАОЛ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

**Зоҳиджон ТЎРАЕВ**

ТАДБИРДА вилоятда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, вилоят телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Унда ёшлар ташкилотининг мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардаги фаоллигини ошириш бўйича фикр алмашилди.

Шунингдек, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Фарғона филиали ёшлар муаммоларини ўрганиш лойиҳаси доирасида «Ёшлар ва оммавий ахборот воситалари» мавзуида давра суҳбати ҳам ўтказилди. Унда республикамизда, хусусан, вилоятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни матбуотда кенг ёритишда ёшлар ташкилотлари ва ёш журналистларнинг роли хусусида фикр юритилди.

Давра суҳбати «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида оммавий ахборот воситалари», «Фуқаролик жамиятининг ривожланишида нодавлат оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти», «Электрон оммавий ахборот воситаларининг ёшлар ҳаётидаги ўрни» мавзуларидаги маърузалар тингланди.

# РЕГИСТОНДА КАТТА КОНЦЕРТ

***Жойларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган хайрия тадбирлари давом этмоқда, деб хабар беради ЎзА мухбири.***



САМАРҚАНД шаҳри Регистон мажмуида ўтган ана шундай тадбирда Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар, фахрийлар ва талаба ёшлар иштирок этди.

Унда мамлакатимизда хотин-қизларнинг оилада ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун шароит яратиш ва маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов, Миллий симфоник оркестр ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри санъаткорлари иштирокида катта хайрия концерти намойиш этилди.

— Унумли меҳнат қилган киши мазмунли дам олиш, маданий ҳордиқ чиқаришга ҳақли, — дейди И.Жалилов. — Айни мақсадда катта оркестр ва таниқли санъаткорлар билан жойларда концерт дастурлари намойиш этяпмиз. Жаҳон ва ўзбек миллий операси намуналари, Ватанга меҳр-муҳаббат ғоялари ифода этилган куй-қўшиқларимиз санъат ихлосмандларига маъқул бўлмоқда.

***Мамлакатимизда болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми давом этаётир. Бу йил Тошкент вилоятидаги 11 та оромгоҳда 10 мингдан ортиқ, мактаб ва коллежларда очилган кундузги соғломлаштириш марказларида эса 11 мингдан зиёд ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган.***

# БОЛАЛАР – ОРОМГОҲЛАР БАҒРИДА

ВИЛОЯТДА мавсум олдидан мавжуд оромгоҳлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарур анжомлар билан жиҳозланди, спорт ва фан тўгараклари очилди, тажрибали етакчи ва мутахассислар жалб этилди. Мавсумда ўқувчиларнинг кўнгилдагидек дам олиши, соғлиғини тиклаши учун касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳомийлар томонидан 822,5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

— «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ, кам таъминланган оила фарзандлари ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялашга ҳар йилгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раҳбари Муҳайё Тўлаганова. — Бу йил оромгоҳларимизда меҳрибонлик уйларининг уч юзга яқин тарбияланувчиси, минг нафарга яқин кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари ҳордиқ чиқаради.

Шунингдек, вилоятдаги болалар дам олиш масканларида Хоразм вилоятидан кам таъминланган оилалар фарзандлари ва «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидан иборат минг нафардан зиёд ўқувчини соғломлаштириш мўлжалланган.

Куни кеча уларнинг 450 нафари Тошкент марказий темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг ёш авлод таълим-тарбияси, камолотига қаратаётган эътиборидан жуда мамнунмиз, — дейди Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Замира Солиева. — Ҳар йили тарбияланувчиларимизнинг кўпчилиги Тошкент вилоятидаги сўлим оромгоҳларда дам олади. Бу ерда уюштирилаётган маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари ҳам уларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтиришда катта ёрдам беради.

Хоразмлик ўқувчилар шу куни махсус автобусларда вилоят ҳудудидаги «Келажак», «Коинот», «Йўлчи» каби оромгоҳларга йўл олишди.

**ЎзА**

ЖАМИЯТ СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 15 июнь №24 (37)

***Фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом, маънавиятли бўлиб тарбияланишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни алоҳида. Чунки боғча кўрган ўғил-қиз мактабга борганида боғча таълимини олмаган тенгқурларидан ҳар жиҳатдан ажралиб туради. Шу маънода, Чирчиқ шаҳридаги 29-сонли мактабгача таълим муассасаси ишлари ибратга арзигулик.***

# УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ БОЛАСИ

## миллий урф-одат ва янги педагогик технология асосида тарбияланмоқда



Беҳзод ҲОТАМОВ,
«Жамият» мухбири

— БИЗНИНГ муассасада «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурига кўпроқ эътибор берилади, — дейди боғча мудираси Умида Содиқова. — Янги педагогик технология асосида бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Бунда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиздан фойдаланиш жуда қўл келаяпти. Хусусан, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил қилиниши кичкинтойларимиз орасида соғлом турмуш тарзини шакллантирмоқда.

Мактабгача таълим муассасасида ишлайдиган ходимларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Шу боис, ўзига хос турли мавзудаги тадбирлар ташкил этишга жуда қизиқишади. «Қомусимизни ўрганамиз», «Жарангдор овозлар», «Севимли ўйинчоғим» сингари кўнгилочар тадбирлар болажонлар учун катта байрамга айланиб кетади. Бундай лаҳзаларда тарбияланувчиларнинг қувончи ичига сиғмайди. Шеърлар, қўшиқлар, лапарлар ижроси уларга оламолам завқ улашади.

— Ҳудудимизда жойлашган маҳалла билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди боғча мудираси фикрини давом эттирар экан. — Маҳалла фаоллари ҳар бир тадбирда болажонларни йўқлаб туришади. Айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларига турли-туман совғалар улашишади. Бундан нафақат болаларнинг, бизнинг ҳам кўнглимиз кўтарилади.

Боғчада озодаликка риоя қилиш — қатъий қоида. Шу боис, ҳафтанинг шанба кунида тозалик тадбири ўтказилади. Айни кезларда мактабгача таълим муассасасида «Ёз — ўтади соз» мавзуидаги уч ойлик тадбир амалда жорий қилинмоқда. Хусусан, ушбу тадбир доирасида сув ҳавзаси, спорт майдончалари тозаланди, тегишли янги жиҳозлар олиб келинди.

***Эзгулик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва саховат ҳаётимиз файзидир. Бу ҳақиқат турли миллат вакиллари елкама-елка туриб, аҳиллик ва шижоат билан меҳнат қилаётган бизнинг корхонамиз фаолиятига ҳам тўла дахлдор. Корхонамиз раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳомийлик соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳар йили умумхалқ байрамлари арафасида кам таъминланган оилалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, ногирон фарзандлари бўлган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам алоҳида ёрдам кўрсатилмоқда.***

# ЭЗГУЛИК ҲАЁТНИНГ ФАЙЗИ

Акром ҲАМРОЕВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси

ЎТГАН йили корхонамизда меҳнат қилаётган 200 дан ортиқ аёлларга қимматбаҳо совғалар, нафақадаги онахонларга 20 миллион сўмлик пул мукофоти ҳадя этилган эди. «Болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан кам таъминланган оила фарзандларидан 116 нафарига кийим-кечаклар тортиқ қилинди.

Айниқса, Муборак шаҳри марказида йирик спорт ва маданият кошонасини қуриб битказилгани аҳоли учун арзигулик совға бўлди.

Ишчи-хизматчиларни тантанали тарзда нафақага кузатиш, туғилган кун ва юбилейларни, тўй маросимларини ўтказиш ҳам жамоамизда анъана тусини олган. Хусусан, ўтган йил давомида табаррук ёшларини нишонлаган 90 нафар ҳамкасбларимизга бир пиёла чой устида қимматбаҳо совға-саломлар тақдим этилди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, биз фақатгина ўз жамоа аъзоларимизга ҳомийлик кўрсатиш билангина чекланиб қолаётганимиз йўқ. Улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Муборак газни қайта ишлаш корхонаси меҳр-саховат кўрсатиш борасида вилоят миқёсида танилган жамоалардан ҳисобланади. Яккабоғ туманидаги «Саховат уйи» қариялари, Китоб шаҳридаги «Меҳрибонлик маскани» ҳамда вилоят марказидаги мактаб-интернат тарбияланувчиларига бир неча йиллардан буён беғараз ҳомийлик кўмаги кўрсатиб келаяпмиз.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида жамиятда эзгу ишлар кўламини кенгайтириш, халқимизга хос ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, ёшларимиз онгида истиқболга ишонч, ватанпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат фазилатларини камол топтиришда ҳомийлик анъаналари муҳим аҳамият касб этиши белгилаб қўйилган.

Шу боисдан жамоамиз 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»да» эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Хусусан, баҳорнинг тароватли шодиёнаси — Хотин-қизлар байрами арафасида ЎзЛиДеП вилоят бўлими билан ҳамкорликда корхонамизда меҳнат қилаётган 600 дан зиёд аёлларимизга байрам дастурхони безатилиб, 120 нафар меҳнат илғорлари, шунингдек, 40 нафар партия фаолларига совғалар ва пул мукофотлари берилди. «Наврўз» байрами арафасида эса корхонамиз раҳбарлари, касаба уюшмаси мутасаддилари Яккабоғдаги «Саховат уйи»га ташриф буюришиб, бу масканда истиқомат қилаётган 160 отахон ва онахонларга — юмшоқ мебеллар, телевизор, музлатгич, ошхонабоп жамланмалар совға қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, завод маъмурияти ва касаба уюшмамиз томонидан ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам жамоамиз аҳлига манзур бўлмоқда. Корхона «Маънавият ва маърифат хонаси»да сиёсий ва бадиий адабиётлар, даврий газета ва журналлар муҳайё қилинган, уларни мутолаа қилиш учун яхши шароит яратилган. Корхонамизда илм-фан, адабиёт ва санъат аҳллари, устоз-мураббийлар билан қизиқарли мулоқот кечалари, учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Корхонамизда ўтаётган байрам ва тантаналарда пойтахтдан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар, халқ ҳофизлари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, хушовоз хонандалар иштирок этишади. Бу тадбирлар корхонамизда ўзаро аҳиллик ва дўст-биродарлик муҳитини мустаҳкамламоқда, ёш ишчиларнинг халқимизнинг ўлмас анъаналари руҳида камол топишида ўзига хос омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларининг амалий ифодаси деб биламиз». Халқимиз урф-одати ва анъаналари сифатида жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламига алоҳида мурувватда бўлиш, шу йўл билан маънавий-аҳлоқий ҳамда инсоний фазилатларни намоён этиш, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

Қўш хабар

# БОЛАЖОНЛАР ҲАМИША ОИЛА ДАВРАСИДА

***Самарқанд шаҳрида «SOS Kinderdorf International» халқаро жамғармаси кўмагида Самарқанд SOS болалар маҳалласи ташкил этилди.***

Болтабой ЭРНАФАСОВ

ТАДБИРДА халқаро жамғарма президенти Гельмут Кутин, Республика Халқ таълими вазирлиги ва «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» масъул ходимлари иштирок этди.

— Болалар маҳалласи миссияси жамиятда болаларнинг оила меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлиши ва маънавий соғлом ривожланишига қаратилган, — дейди жамғарма президенти. — Бу борадаги хайрли ишларимизнинг амалга ошишида яқиндан ёрдам бераётган Ўзбекистон ҳукуматига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Маросимда болалар маҳалласига «SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан «Isuzu» русумли автобус ва компьютер мажмуаси топширилди. Шунингдек, болажонларга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди.

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Самарқандда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда республика «Ҳунарманд» уюшмаси ташаббуси билан Бухоро, Навоий, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Чуст, Андижон шаҳарларидаги халқ амалий санъати усталари ва ёш ҳунармандларнинг «Аждодлар мероси-беқиёс бойлигимиз» минтақавий кўргазмаси намойиш этилаяпти.***

КЎРГАЗМАНИНГ биринчи беш кунлигида Фарғона, Андижон ҳамда Навоий вилоятининг ҳунарманд ва усталари ўз маҳсулотларини намойиш этишса, иккинчи беш кунлигида Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг халқ амалий санъати усталари маҳсулотларини тақдим этади.

Кўргазма қатнашчилари мамлакатимизнинг асл ҳунарманд-усталари маҳсулотларини, хусусан, Чуст дўппилари, Марғилон атласи, Шаҳрихон пичоқлари, Андижоннинг ўзига хос мисгарлик, заргарлик ва кулолчилик намуналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишади.

«Туркистон-пресс».

2007 йил 15 июнь № 24 (37)

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

***Ислоҳот такомиллашувга, янгиланишга асосланади. Бозор муносабатлари, муттасил кучайиб бораётган рақобат муҳитининг талаби ҳам шу. Бинобарин, ишлаб чиқаришга илғор, замонавий технологияларни жорий қилган ютади. Чунки замон ўзгариши баробарида истеъмолчининг ҳам талаб ва эҳтиёжлари ўзгариб бораверади. Шундай экан ишлаб чиқаришни бозор талабларига мувофиқ модернизация қилиш ҳар бир корхона учун мақбул ва самарали йўлдир.***

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**

**«Жамият» мухбири**



# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – СИФАТ ГАРОВИ

АНА шу мезонларни изчил амалиётга татбиқ этишни кўзлаган Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги «Оқтошдон» очиқ акциядорлик жамияти янгиланишлар ва ижобий ўзгаришларга мутаносиб ҳаракат дастурини ишлаб чиққан. Унга кўра, аҳолининг сифатли ун ва омухта ем маҳсулотларига бўлган талаби қондирилиб экспортга маҳсулот жўнатиш имкониятлари пайдо бўлаяпти.

2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида миллий иқтисодиётимизда экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани ўтган йилда эришган асосий натижаларимиздан бири бўлганлиги таъкидланган эди. Азалий ҳақиқатлардан бири шуки, жилғалардан дарёлар вужудга келади, дарёлардан эса... Келинг, яхшиси мамлакатимиз иқтисодиётини дарёга, ишлаб чиқариш корхоналарни эса жилғага қиёслаб, мулоҳазаларимизни давом эттирсак.

**ТАШҚИ БОЗОР УЧУН КУРАШ**

ҲАҚИҚАТДАН, экспорт юқорида номи зикр этилган корхона фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодий кўрсаткичларнинг баҳолаш мезонига айланаяпти. Бугунги кунда корхона ташқи бозорни чуқур ўрганиб, ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида корхонанинг салкам 1 миллион АҚШ долларлик олий навли ун маҳсулотлари ташқи савдо компаниялари орқали экспорт қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида «...товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йил давомида қарийб 2 миллиард АҚШ долларигача ўсди», дейилди. Албатта, бунда «Оқтошдон» корхонасининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

Шу маънода, корхонадаги ибратли тажрибаларни ўрганиш, тарғиб этиш, албатта фойдадан ҳоли эмас.

— Нокамтарлик деб ўйламанг, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мамасоли Раҳимов. — Мамлакатимиз иқтисодиёти қўлга киритаётган марраларда жамоамизнинг ҳам хизмати борлигидан фахрланамиз. Иқтисодиётимиздаги ўзгаришларга жаҳондаги нуфузли ташкилот Халқаро валюта жамғармасининг юксак баҳо бериши бизнинг жамоамиздаги ишчи-ходимларни беҳад қувонтирди.

**ХАРИДОРЛАР НИМА ДЕЙДИ?**

— ЎН йил олдингига нисбатан «Оқтошдон»нинг бугунги унлари сифати жиҳатидан анча фарқ қилади, — дейди харидор Олим Жумабоев. — Келгусида аъло сифат касб этишига шубҳам йўқ.

— Айниқса, ун таркибидаги клейковина даражаси ошгани маҳсулот харидоргирлигини янада юқорига кўтарди, — дейди новвой Шуҳрат Донаев. — Буни тайёрлаётган нон маҳсулотларимиз расталарда туриб қолмаётганидан ҳам билса бўлади.

— Оқтош шаҳридаги идоралардан бирида ишлайман, — дейди ўзини Азим Аҳмедов деб таништирган ҳамюртимиз. — «Оқтошдон»нинг маҳсулотларига гап йўқ! Чорва озуқаси ҳам тўйимли. Буни сигиримизнинг сут ва қаймоғи мазасидан ҳам билиш мумкин.

Фақат булар эмас... Акциядорлик жамияти ҳақида сўз борганда яна бир қанча эътирофларни эшитдик.

**РАҚАМЛАРДАГИ ҲАЁТ**

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорига асосан «Каттақўрғондон» «Оқтошдон»нинг филиали этиб белгилангандан сўнг, устав фонд 162 992 минг сўмни ташкил этди. 2005 йилнинг май ойи охирига келиб эса жамият устав фонди 246 151 минг сўмга кўпайди.

Ушбу акциядорлик жамияти таркибига кирувчи филиал ва дон қабул қилиш манзилгоҳларида ўтган йили жами 60500 тонна буғдой қабул қилинди. Корхонада 7955,8 миллион сўмлик ун, 1719,8 миллион сўмлик омухта ем ва 2701,0 миллион сўмлик уруғлик буғдой тайёрланди. Жами 12376,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг 4 ойи давомида эса 17880 тонна ун, 5809 тонна кепак ва 8429 тонна омухта ем ишлаб чиқарилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Ўтган йил 4 ойга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 128 фоизга ўсиб, 4 миллиард 398 миллион 489 минг сўмни ташкил этди.

Акциядорлик жамиятида 775 нафар киши фаолият кўрсатмоқда. Ишчи-ходимларга барча шарт-шароитлар яратилган, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилибди.

**ТЕЖАМЛИ УСКУНА**

ИШЛАБ чиқаришда мақбул андозалар жорий этилган жойда ютуқлар бўлиши турган гап. Ўтган асрнинг 80-йилларида ўрнатилган ускуналар янгисига алмаштирилаяпти. Натижада самарадорлик ва сифат кўрсаткичлари кўтарилаяпти. Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси ускуналари ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот сифатини яхшилади, электр энергияни иқтисод қилди. Бундан ташқари, хомашё ва тайёр маҳсулотлар мезонини белгилайдиган, исрофгарчилик олдини оладиган, оғирлигини ўлчайдиган ўзимизда ва хорижда тайёрланадиган мосламалар, тарозилар ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилмоқда. Шуларнинг самараси ўлароқ, корхона республикада умумий кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринда.

Ҳақиқатан, корхонада эски андозалардан воз кечилмоқда. Чунки эскирган техника ва дастгоҳларни сақлаб туриш, унга сарфланадиган харажатлардан ортиб кетишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу сабабдан бу ерда иш унумдорлиги ва сифат масаласида амалий тажрибалардан келиб чиқиб, асосан ички имкониятларга таянилган ҳолда янгича ёндашувларда амалга оширилаётган ислоҳотлар диққатга сазовордир.

***Ғалла халқ бойлиги, тўкин-сочинлик манбаидир. Мустақиллик йилларида аграр тармоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаси ўлароқ соҳада улкан ютуқларга эришилмоқда.***

**Ҳабибулло БОЛТАЕВ**

# НИЗОМ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

***Эндиликда ғалладан бўшаган пайкаллар ёқиб юборилмайди***

ЖОРИЙ йилда 150 минг нафардан кўпроқ фермер бир миллион 290 минг гектар майдонга серҳосил барака уруғи қадаган эди. Айни кунларда улар ўзларининг фидокорона меҳнати эвазига бунёд бўлган ҳосилни ўриб-йиғиб олишга киришди. Бу қувонарли, албатта. Бироқ, ғалладан бўшаган майдонларда сомон поясига ўт қўйиш билан боғлиқ ноxуш ҳолатлар учраяпти.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, ўтган йили қарийб беш юз гектар майдонда сомон поясини ёқиш ҳолатлари қайд этилган. Бундан нафақат ғалладан бўшаган майдонлар, балки унинг атрофидаги дов-дарахтлар ҳам зиён кўрган. Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Беҳзод-98» фермер хўжалигида кузатилган воқеа бунга мисол. Мазкур хўжаликка қарашли беш гектар ернинг сомонини ёқиб юборилган. Натижада дала атрофидаги бир неча ўнлаб тут дарахти ҳам унга қўшилиб ёниб кетган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи Муҳаммади Маманазаровнинг айтишича, баъзи фермер хўжаликларининг раҳбарлари жавобгарликни ўзларидан соқит қилиш мақсадида далаcига ёш болалар ўт қўйганини ёки бошқа баҳоналарни рўкач қилади. Бундай мутахассисларга она табиатни асраб-авайлаш, бу борадаги миллий қадриятларимизни эъзозлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз эканлигини такрор-такрор эслатиб туришга тўғри келмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида қўмита томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда бошоқли дон экинлари сомони ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва ушбу ҳолатни содир этган юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича низом ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган ушбу низом тегишли вазирлик ва идораларга етказилди.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 11 майда қабул қилинган «2007 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан табиатни муҳофазалаш идоралари вакиллари ҳам фаоллик билан иш олиб бораётир. Мақсад – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун зарур шароит яратиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, экологияга салбий таъсирларни камайтириш, халқимиз ризқ-рўзи манбаи бўлган она заминимизни асраб-авайлашдек долзарб вазифаларни жамият ҳаётига янада кенгроқ татбиқ этишдан иборатдир.

***Биз биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизига эътибор беришимиз лозим. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғидек асраш ва янада бойитишдир.***

**Ислом КАРИМОВ**

*Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий пазандачилик санъати дунё халқларини доимо қизиқтириб келган. Зеро, ўзбек таомлари хилма-хиллиги, серқувватлиги, парҳез-шифобахшлиги билан ажралиб туради. Таомларимизнинг бундай хусусиятларга эга бўлишига, аввало, серқуёш заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сархиллиги, юртимизнинг таомга маза киритувчи, унга муаттар ҳид ва хушхўрлик бағишловчи зираворларга бойлиги ҳамда энг муҳими — ошпазларимизнинг маҳорати сабабдир.*

**Нурали ШОДИЕВ,**
**«Жамият» мухбири**



# ЎЗБЕКНИНГ ПАЗАНДА ЎҒЛОНИ

***дунёнинг энг зўр ошпазларини ҳам ҳайратга солди***

### СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

ЎЗБЕК ошпазлари бугун дунёни лол этмоқда. Улар кашф этган таомлар жаҳондаги манаман деган меҳмонхоналар дастурхонининг безагига айланган. 2007 йилнинг бошида Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро пазандачилик фестивали олтин медалини қўлга киритган ҳамюртимиз ҳақида хушхабар эшитиб, у билан учрашиш мақсадида пойтахтимиздаги «Golden Hill» ресторанига ташриф буюрдик. Бизни қаҳрамонимиз — ресторан бош ошпази Абдусаттор Самадов кутиб олди. Ўзаро суҳбат чоғида, унинг миллий пазандачилигимиз сирларини, таомларимизнинг ўзига хос хусусиятларини нақадар яхши билиши, отамерос касбини ардоқлаши, миллий пазандачилик санъатини бойитишга нақадар ҳисса қўшаётганига амин бўлдик.

***Ўзбек пазандачилиги ва ошпазлари маҳорати Халқаро ошпазлар ассоциацияси рейтингида иккинчи ўринда туради. Бу ўзбек миллий пазандачилиги ва ошпазларининг дунё миқёсида қадр-қиммати баландлигидан далолатдир.***

Абдусаттор Самадов кўплаб миллий ва европа таомларининг муаллифи. У 2004 йилда «Тасанно» халқаро фестивалининг 2005 йилда «Бойсун баҳори» фестивалининг ғолиби бўлган. 2006 йилда «Еврафеска» халқаро Евроосиё фестивалининг бронза медали, карвинг (сабзавот ва мевалардан композиция ясаш) бўйича Москва Карвинг академияси кубоги совриндори. 2007 йилда эса Халқаро пазандачилик фестивалида олтин медални қўлга киритди.

— Ушбу фестивалда мен икки нафар ҳамкасбим қаторида беш номинация бўйича Ўзбекистон номидан иштирок этдим, — дейди у. — Карвинг бўйича тарвуздан ясалган композиция учун олтин медаль олдим, гуруҳ мусобақаларида кумуш медаль, балиқ қовуриш бўйича бронза медалига сазовор бўлдим. Айниқса, ошпазларимизнинг серқирра истеъдодларига улар қойил қолишди. Бунчалик кўп номинация бўйича халқаро миқёсда ғолиб бўлиш ҳали учрамаган эди. Бундай ютуқни қўлга киритишимга устозлардан ўрганганларим, шунингдек, Ўзбекистондан олиб борилган масалliқлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари асқотди, масалан, карвинг ясалган оғирлиги 25 килограмм бўлган тарвузнинг катталиги қатнашчиларни ҳам, ҳакамларни ҳам ҳайратга солди. Бизда етиштириладиган баъзи сабзавот ва мевалар дунёнинг ҳеч бир бурчагида топилмайди. Масалан, чет эллик ҳамкасбларимиз турпга, унинг шифобахш хусусиятларига жуда қизиқишади.

Дарвоқе, ўзбек пазандачилиги ва ошпазлари маҳорати Халқаро ошпазлар ассоциацияси рейтингида иккинчи ўринда туради. Бу ўзбек миллий пазандачилиги ва ошпазларининг дунё миқёсида қадр-қиммати баландлигидан далолат.

Дунё халқларининг миллий анъаналари ва маданиятини ҳурмат қилиш ва ўрганиш, жаҳон маданияти, санъатидан хабардор бўлиш — мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга замин яратади. Шунинг учун халқаро танловларда қатнашиб ғолиб бўлиш миллий пазандачилигимизни танитиш билан биргаликда ўзаро тажриба алмашиш омили ҳамдир. Дунё халқлари билан ўзбек халқи пазандачилигини бир-бирига қиёсласак, миллий таомномамиз ўзимизга хос қадриятлар ва кўҳна маданиятимиз билан уйғунлашиб кетган. Зеро, пазандачилигимиз бугун бошқа халқларнинг ҳам илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирмоқда.



### ГЎЗАЛ ТАОМ — САНЪАТ АСАРИ

РАССОМ бўёқлар мажмуидан янги тасвир ҳосил қилгани, бастакор турли мусиқий оҳанглар уйғунлигидан янги куй яратгани каби пазанда ҳам масалликлар йиғиндисидан лаззат, қувват ва шифо бағишлайдиган гўзал ва мазали таом тайёрлайди. Шу боисдан ҳам ўзига хос санъат асари ҳисобланган таомга фақат қорин тўйдириш воситаси сифатида қараш у қадар тўғри бўлмайди. Таом нафақат инсон танасига қувват бериши, сиҳат-саломатлиги ва меҳнат қобилиятини ошириши, айни вақтда унга эстетик завқ бағишлаши ҳам зарур.

— Ўзбек пазандачилиги қадимий анъаналарга эга. У бошқалардан таомларни ўзига хос тайёрлаш технологияси, ишлатиладиган маҳсулотлар турининг кўплиги билан фарқ қилади, асосийси, ўзбек халқининг турмуш тарзини ва меҳмонновозлик маданиятини ифодалайди, — дейди ошпаз Абдусаттор Самадов. — Миллий пазандачилигимиз кўп асрлик тарихга эга бўлиб, унда халқимизнинг урфодатлари, саховатли диёримизнинг сўлим табиати ва иқлим шароити ўз аксини топган. Бошқа миллатлар пазандачилигидан фаркли ўлароқ, миллий таомномамиздаги баҳор, ёз, куз ва қиш таомлари иқлим шароитидан, инсон танасининг дармондориларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши билан ҳам ажралиб туради. Нафислик ва хушбўйликни ўзида мужассамлаштирган, мазали, чиройли кўринишга эга, кишига ҳузур бахш этадиган, масаллиғи ноёб тансиқ таомларимизни чет элликлар ҳам севиб истеъмол қилишади. Зеро, таомларимизнинг тансиқ таомлар даражасига кўтарилишининг омили уларда анвойи, мазали таъм, муаттар ҳид мужассамлиги, уларни тайёрлашда ишлатиладиган сабзовотларнинг сархиллигидир. Зотан, аждодларимиз азалдан табиат ва унинг инъомларига нисбатан яхши муносабатда бўлган, тежамкорлик ва саранжом-саришталикка қатъий риоя қилганлар. Бинобарин, улар кундалик эҳтиёжларидан ортган озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланишда гўшт, сут, ёғ, сабзавот-полиз маҳсулотларини узоқ муддат давомида тоза-озода, яхши сақланиши учун махсус хум, кўза ва ертўлалар ўйлаб топишган.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ўзининг бой анъана ва қадриятларга эгалиги билан дунёнинг барча минтақаларида донг таратган ўзбек пазандачилигининг обрўэътибори бугун ошпазларимизнинг меҳнат-маҳорати билан янада юксалмоқда.

2007 йил 15 июнь № 24 (37)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

***Габриелла Келлер Германиянинг Фрайбург шаҳридан. Таниқли олима. Мана 10 йилдирки, таваллуд кунини Самарқандга келиб нишонлайди. Сабаби оддий: инсонлар ер юзининг турли-туман шаҳар ва қишлоқларида туғиладилар, яшайдилар. Аммо кун келиб, уларнинг қалбида ноаён, фақат яратганга маълум туғёнлар ўйғонади ва хаёллари улуғ, муқаддас шаҳарларга бориб туташади. Ана шу лаҳзадан бошлаб, улар ҳаловатларини йўқотадилар, умидбахш орзуларига айланган шаҳарга қараб талпинадилар.***



# САМАРҚАНДНИНГ ГЕРМАНИЯЛИК ҚИЗИ

**Нурбахт МЎМИНХОНОВ**

ДОКТОР Габриелла Келлер 1997 йили Самарқанддаги «Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи» таклифномасини олди-ю ҳаяжонга тушди. Афсонавий, башарият тамаддунининг илк китоблари варақланган сирли, мўъжизаларга бой, буюк шаҳар хаёлини ўғирлади. Таклифномадаги «Гўзаллик дунёни қутқаради» деб номланган конференция ҳақидаги қисқача маълумот, ундаги 30 март — 6 апрель саналари юрагига муҳрланди. Айниқса, «Самарқанд» номи унинг ички дунёсидаги тўлқинларга ҳамоҳанг жаранглади.

Боқий шаҳардаги «Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи»нинг 10 йиллигига бағишланган анжуманда кўпгина хорижий мамлакатлардан вакиллар иштирок этишди. Улар қаторида Габриелла Келлер ҳам ватандоши, ҳайкалтарош Ульрике Альберт билан бирга Самарқандга келган эди. Анжуман ниҳоятда қизиқарли, ўзаро қизғин мулоқотлар тарзида ўтди. Лекин, барчада Габриелла Келлер бошқача таассурот қолдирди. У куйди-пишди, тўрт томонга югурган, ўзини худди мезбондай тутар, ҳаяжонини босолмас, қўлини кўксига қўйиб саломлашар, қолаверса, у уюштирган «Ижод, санъат ва гўзаллик» семинари анжумандаги энг мазмунли семинар сифатида юқори баҳоланди. Семинар интерфаол, яъни иштирокчиларни бевосита жалб қилган ҳолда — санъатнинг турли жанрларида синаб кўриб, сўз, мусиқа, ҳаракат, ранг ва шакл орасида ноёб ҳис-туйғуларни топиш, шу орқали дунёни англаш асосига қурилган эди. Бинобарин, муҳит, теварак — қадимий шаҳарнинг салобати ана шундай ҳис-туйғуларни шакллантиришга имкон яратарди.

Хуллас, анжуман тугади. Аммо Габриелла Келлер учун у тугамагандай, аксинча мутлақо янги умр баҳори куртаклагандай, узоқ йиллар излаган азиз шаҳрини топгандай туюларди. Энг ҳайратланарлиси, Габриелла ҳамиша ўзини юрак-юракдан Самарқанднинг қизи деб келди.

1998 йил немис олимаси яна мўъжизавий шаҳарга қайтиб келади. У энди жозибали эртакларимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, халқ оғзаки ижодининг оҳанрабодек мафтун этувчи куйқўшиқларисиз ҳаётини тасаввур қилолмас эди. Бу келишида Габриелла хоним Самарқанд «Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи», Республика фанлар академиясининг археология институти билан ҳамкорликда шаҳар ва унинг теварагини суратларга туширишга киришади, гўзал ва сеҳрли эртакларимизни йиғиши, уларни ёзиб олиб, тадқиқ қилишга жазм қилади. Ўша пайтдаёқ унда ўзбек—герман этнографик илмий экспедициясини ташкиллаштириш ғояси туғилади. Бу ҳақда самарқандлик ҳамкасбларига айтганда, улар Габриеллани астойдил қўллаб-қувватлашади.

> **Габриелла КЕЛЛЕР:**
> ***«Мени ўзбек аёлларининг теран, маънавий олами ҳайратга солди. Уларнинг иболи чеҳраси, гўзаллиги ва назокати сабаб фотосуратларим шуҳрат топди».***

Орадан бир йил ўтиб Габриелла хоним Самарқанд давлат музейи қўриқхонаси ҳамда вилоят ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда илмий экспедиция таркибида вилоятнинг чекка туманлари ва қишлоқлари сари йўл олади. У содда, самимий, олижаноб, меҳмондўст, санъатсевар, иймони пок ўзбек аёллари билан учрашади, суҳбатлашади. Маҳаллий урф-одатлар, хусусан, аёллар иштирокида ўтадиган миллий маросимларни томоша қилади. Момолардан эшитган эртакларини диктофонига ёзиб, халқ оғзаки ижодига оид манбаларни тўплайди.

Ушбу экспедиция натижалари кўп ўтмай ўзбек олими Хуррам Раҳимов билан биргаликда ёзилган «Самарқанд эртаклари. Ўзбекистонда ипак йўли бўйлаб ўтказилган дала тадқиқотлари» китобида жамланади. Ушбу китоб Германияда том маънода шов-шувга сабаб бўлади ва 3 марта қайта нашр этилади.

Тўпламда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўзбек аёлларининг маънавияти ва маданияти чексиз эҳтиром, меҳр-муҳаббат билан ёритилган. Ундан ўрин олган эртаклар эса ғарбликларни шарқнинг ҳаётий фалсафаси, нафосати, синоати — хуллас, нурли оламига сайр қилишга, чорлайди. Маълумки, эртаклар инсонларнинг уй-хаёлларини, орзуларини рўёбга чиқаришга, қалбларига гўзалликни, нафосатни, эзгуликни нақшлашга хизмат қилади, комиллик сари дадил интилишларига қувват беради. Яна бир гап. Габриелла Келлер хоним истеъдодли фотограф ҳам. Унинг 2000 йилда Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Бухорода бўлиб ўтган шахсий этнографик фотокўргазмасига қадам ранжида қилганлар бунга амин бўлишган. «Ўзбекистонда аёллар маданияти. Европалик аёл марказий Осиёнинг қадимий анъаналари изидан» деб номланган мазкур кўргазмага қўйилган экспедициялар фотосуратлар Габриелла хоним қатнашган экспедициялар чоғида суратга олингани, фавқулодда кутилмаган ҳолатларни ўзида акс эттиргани билан эътиборни тортади. Ушбу кўргазма кейинчалик Женевада, Фрайбургда, Боннда, Берлиндаги Ўзбекистон элчихонасида, икки бора Европа парламентининг Брюсселдаги ваколатхонасида муваффақиятли намойиш қилинди.

Ана шу вернисаж асосида ГФРда 2002 йил 4 тилда, 170 та фотосурат жамланган ўзбек аёлларининг турмуш тарзи ижтимоий ва анъанавий маросимларини қамраб олган фотоальбом нашрдан чиқарилди. Альбомга Габриелла Келлернинг ҳамкори, яқин дўсти, таржимони Хуррам Раҳимов сўз боши ёзган.

Габриелла хоним ***«Агар сиз ўғлингизга тарбия берсангиз, фақат унинг ўзига, қизингизга тарбия берсангиз, бутун оилангизга тарбия берган бўласиз»*** — мазмунидаги ўзбек мақолини такрорлашни хуш кўради. У китоблардан бирида, жумладан шундай дейди: «Мени ўзбек аёлларининг теран, маънавий олами ҳайратга солди. Уларнинг иболи чеҳраси, гўзаллиги ва назокати сабаб фотосуратларим шуҳрат топди».

Самарқанднинг германиялик қизи ўзбек маданиятига, анъана-ю қадриятларига шу қадар ошиғу-беқарор-ки, айни пайтда завқ билан Банберг университетининг махсус курсларида ўзбек тилини ўрганаяпти. Худо хоҳласа, тилимизни ўрганиш баробарида дилимизга янада яқин инсонга айланса ажаб эмас. Чунки, Габриелла ўзимизнинг одам, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг фахрий доктори, ўзбек эртакшунос олимаси ва яна...

У Самарқанд ўлкашунослик музейи қошида очилган «Ёш эртакчилар мактаби»нинг таъсисчиларидан биридир. Ҳар йили навқирон ўзбек мутахассисларига эртакларни ёзиб олиш, туркумлаштириш, таҳлил ва эълон қилиш услубларини ҳафсала билан ўргатади. Яқинда эса шогирдларига дастуруламал тариқасида профессор Хуррам Раҳимов билан ҳаммуаллифликда «Эртакшуносликка кириш» қўлланмасини тайёрлаб, ўзбек ва немис тилларида нашр эттирди. У шунингдек, ушбу йўналиш тарғиботи билан шуғулланувчи герман-ўзбек илмий жамиятини тузишда ҳам ташаббускорлик кўрсатди. Бугунга келиб фаол ишлаётган мазкур жамият мунтазам равишда турли илмий-маърифий анжуманларни ўтказиб келаяпти. 2006 йилда Самарқанд маданият тарихи музейида доимий фаолият юритадиган «Ўзбекистонда аёллар маданияти» фотоэкспозицияси очилди ва у муаллиф томонидан Самарқанд шаҳрига туҳфа қилинди. Ҳозирда Габриелла хоним юртимиз олимлари билан ҳамкорликда ўзбек эртакларининг Марказий Осиёда ягона типологик каталогини яратиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Айтганча, Габриелла Келлер хоним ижодда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам бахти кулган аёл десак хато қилмаймиз. Хонимнинг турмуш ўртоғи Отто Келлер шажарали юрист. Санъат ва тарихнинг шайдоси. Уч ўғли Роланд, Лауренц, Йоханес ўқимишли, истеъдодли йигитлар. Ҳуқуқшунослик ва менежмент соҳаларида меҳнат қилишади.

Қиссадан ҳисса шуки, 10 йил мобайнида Габриелла Келлер томонидан амалга оширилган илмий-амалий ишлар ҳажми, кўлами миқёси билан кишини лол қолдиради: лекциялар, семинарлар, конференциялар, тақдимотлар, шеърият кечалари... Ҳайрон бўлманг, Габриелла Келлер ҳиссиётли шеърлар ҳам ёзиб туради. Куни-кеча, у ўзининг иккинчи она шаҳри Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлаб қасида битганини ва уни эртаиндин боқий шаҳарнинг тўйида ўз фарзандлик бурчини бажариб ўқиб бермоқчи эканини айтди. Балки у ўз қасидасини ўзбек тилида ўқир...

Ким билади дейсиз, нима бўлганда ҳам Самарқанднинг немис қизи бизнинг суюкли меҳмонимиз ва таъбир жоиз бўлса, мезбонимиз, олима опамиз. Унга ҳамиша эшигимиз очиқ, дастурхонимиз ёзиқ. Унинг гурунги, суҳбатини ҳамиша соғинамиз...

**«Жамият ва мен» танловига**

*Яқинда «30 йиллик раис эдим, ерларни бўлиб беришди. Катта хўжалик энди йўқ», — дея арзиҳол қилган собиқ раисни овутаман деб бир дўстим роса тер тўкканини ҳазил аралаш айтиб берди. Оғайним шўхроқ, бироз чапани, дабдурустдан «Фермер дегани зўр келди, пахтаниям дўндиради, ойликниям вақтида беради. Норқулни танисизми, у ҳам фермер, стадион қурилишига пул ўтказди. Мактабга ҳам қарашиб туради. Яна орттириб «Нексия» олиб, гувиллатиб миниб юрибди», деб гап ташлаган экан раис бобонинг ҳавасданми, ҳасаддан ми ранги кўкариб, жағи қалтираб қолибди.*

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ**

ЯНА бир воқеа. Туман ҳокимларидан бири ишдан бўшатилибди. Бекорга эмас, албатта. Аммо унинг тили тинмасмиш. Нуқул: «Мен ундай, мен бундай... Мен, мен, ҳали кўрасизлар... Қадримга етасизлар...» Ана холос? Шунда унга қарата, «Э, биродар, туманда сен ишлаган вақт пахта 50-60 фоиздан ошмади, ғалла чала-ярим, тадбиркор бўлса атиги 3-4 та, ҳар бирини елкасига бешолти одам ўтириб олган, фермер вақтида ўғитини ололмай сарсони чиққан эди. Нимага бунча хархаша қиласан», дегинг келади.

Бу ичимизда гоҳо ўраб турадиган ажабтовур, майда-чуйда ҳангомалар. Ташимизда аридай ғўнғиллаб, тили билан чақиб турувчилар афсуски, бор: ҳали бу, ҳали у. Гарчанд иқтисодий ўсишимизни халқаро валюта фонди аълога баҳоласа ҳам, Парижда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ташкиллаштирган тадбирда унча-бунчани писанд қилмайдиган французлар санъатимизга ошуфу беқарор бўлишса ҳам, 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номлаб, эзгу ниятда эл мушкулини осон қилишга, халқимизни юксак эътиборимизга ардоқлашга киришиб турсак ҳам — ваҳима, ёлғон, васвасани газета қоғозига, радио тўлқинига яна бир нималарга «ўраб» биз томон итқитишади. Эмишки, «Ўзбекистонда демократия йўқ», «аёллар камситилади», бало-баттар... — хуллас, ахборот хуружи, нима бўлсаям бизни чалғитиш, адаштириш, ҳақ йўлдан, эзгу орзулардан қайтариш. Янаям аниқроғи, ниятлари узоқ-узоқларда туриб бизни бошқарсалар, ёт десалар ётсак, тур десалар турсак ва буни бўйнимизга «ҳақиқий ғарбона демократия» деб илиб қўйсалар. «Чучварани хом санабсизлар, жанофлар», дегимиз келади бундайларга — Кашпировский, Копперфильд даврлари ўтиб кетди. Биз ўзлигини таниган халқмиз. Имом Бухорий, Имом Мотуридийнинг дуои-нафаси кўксимизда чарақлаяпти. Ўзбекистонлик деган кучли, иродали, оқу қорани билиб қолган, шижоат билан ривожланиш йўлидан бораётган халқимизни бутун курраи арз тан олаяпти. Узоққа бормайлик, ақлу донишлар беллашуви — шахмат бўйича жаҳон чемпионлари қаторидан жой олган Рустам Қосимжонов ўзбек фарзанди. Якка беллашувда энг оммабоп спорт тури — жисм ва руҳ қудратини ўзида жамлаган профессионал бокснинг энг нуфузли йўналишидаги Жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳам Ўзбекистоннинг паҳлавон ўғлони. Олиму фузалолар, адиблару турли соҳаларда дунёни ҳайратга солган ўзбекистонликларни — бугунги истиқлол замонининг қаҳрамонларини санаб-саноғини тополмайсиз. Агар бунга ўтмиш аждодларимизнинг буюк намояндалари рўйхатини ҳам қўшсак-чи? Бу билан биз мақтанмоқчи эмасмиз. Асло, фақатгина биз одил, мулойим, кек сақламайдиган, камида бир кўчат ўтқазиб — боғ барпо этишни орзулаган, тўғри сўз, қалби тоза, яхшиликка, кела-

*Эрта-индин Самарқанднинг 2750 йиллигини, Марғилоннинг 2000 йиллигини, Истиқлолимизнинг 16 йиллигини нишонлаймиз. Тўйларимизда қатнашиб, қўлни-қўлга бериб, биз яшнатаётган «Озод ва обод Ватан»ни кўриб кўнгилларингиз ёришса, қўлимизни кўксимизга қўйиб, раҳмат дердик. Зеро, биз иллат излаётганлардан эмас, ҳикмат излаётганлар тоифасиданмиз.*

жакка, ўз давлатига, худога ишонган халқлигимизни таъкидламоқчимиз, холос. Шу ўринда «Аввал ўзингга боқ, кейин ноғорангни қоқ» деган нақлни эслатиб ўтмоқчимиз бизга «ақл» ўргатмоқчи бўлганларга. Ахир, ўзингизда бир олам муаммо қалашиб ётибди-ку? СПИД даставвал қаерда пайдо бўлган? «Гуантанамо» деган жойда айбдорлар билан бир қаторда айбсизларни ҳам қамаб, азоблаганлар ким? Эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан «турмуш қуришига» рухсат берганларчи? Уларга кўра бу ҳол инсон «эркинлиги» эмиш... Қолаверса, терроризмни яратиб қўйиб, қутуртирганлар — Саҳрои Кабирда эмаслигини ёш бола ҳам билади-ку?!

Хуллас, гапиraверсак гап кўп. Қисқаси, инсоф берсин. Манфаатларингиз, сирли қизиқишларингиз, кўз қисишларингиз — ўзингизга ҳавола, ишқилиб, ўз халқингиз бошига бало орттирмасангиз, яхши. Ҳар қалай, юз миллиардлаб долларни қурол-яроққа ишлатаяпсизлар, охири нима бўларкин?..

Аслида инсон — хом сут эмган банда. Кимдир тез тўяди, яъни қалб, руҳ бойлигидан хотиржам тортади. Кимдир кеч тўяди, яъни анча вақтгача дунё — бу «мен» деб юриб, кейин эса инсонийлик, Ватан, миллат, қавм-қариндош, қаердан келдигу, қаерга кетамиз, биздан нима қолади каби жиддий саволлар ва фикр-мулоҳазаларга жавоб излаш зарурати туфайли ўзига келади. Бошқа тоифа — бир ҳовуч тупроқ кўзига тушса, тўяди.

Бўлмаса, 30 йиллик раис — қўлигул агроном, кексайган бўлса-да, суяги бутун инсон, ёш, ғайратли, фермерларнинг олдига бориб, ёрдам берса, уларга билганини ўргатса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку?! Меҳр-оқибат кучаяди, ота-мерос қадриятларимиз юксалади. Вазифасини эплолмай бўшатилган ҳоким ўзини бошқа бир ижтимоий фойдали соҳада синаб кўрса бўлади-ку?! Натижада, қанча одам ишли бўлади, обрўси кўтарилади, ажабмас, яна эл назарига тушса...

Умуман олганда, биздан озод ва обод Ватан қолиши учун — қалбга назар ташлаш, унинг нақадар ободлигини кузатиш, инсонни нафақат инсон, балки фуқаро сифатида қай даражада шаклланганлиги мезон эканлиги — сир эмас. Аксинча, вақт синовидан ўтган эътиборга молик ақидадир.

Энди биздан ташқаридаги, узоқдаги жанофлар хусусида. Биз кечиримли халқмиз. Инсон қадрини ўзбеклар яхши билишади. Шу боис юздан ортиқ миллат, элат тинч-тотув, бир-бирини қувватлаб мамлакат равнақи, оила бараками йўлида меҳнат қилишмоқда.

Бизнинг энг устувор мақсадларимиздан бири — «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» элтувчи катта йўлдан бориш. Шу йўлда бизга ҳамкор, дўст, яқин бўлиб хайрихоҳлик қилсангиз, сазангиз кетмайди, ҳақиқий инсонларга хос ҳиммат йўлини тутган бўласиз. Фақат, ичи торлик қилиб, ҳалақит берманг. Ахир, биз ҳаммамиз бир улкан дарахт — ер юзининг япроқларимиз-ку!

Эрта-индин Самарқанднинг 2750 йиллигини, Марғилоннинг 2000 йиллигини, Истиқлолимизнинг 16 йиллигини нишонлаймиз. Тўйларимизда қатнашиб, қўлни-қўлга бериб, биз яшнатаётган «Озод ва обод Ватан»ни кўриб кўнгилларингиз ёришса, қўлимизни кўксимизга қўйиб, раҳмат дердик. Чунки иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё — шундай эмасми? Зеро, биз иллат излаётганлардан эмас, ҳикмат излаётганлар тоифасиданмиз.

# ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

***Покистоннинг Кветта шаҳрида «Бэлужистан Тудэй» («Balochistan Today») журналининг Ўзбекистон Республикасига бағишланган махсус сони чоп этилди.***

УШБУ сондан жой олган мақолаларда юртимиз тарихи, кўҳна ёдгорликлари, буюк олимлар, файласуфлар, давлат ва дин арбоблари ҳаёти ва фаолияти, мамлакатимизнинг бугунги куни, мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган.

«Ўзбекистон — кўҳна цивилизациялар мамлакати» сарлавҳали мақолада юртимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Ўзбекистонда қадимий ёдгорликларни, ўзбек халқининг маданий-тарихий ва диний меросини кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланади.. Шунингдек, мамлакатимизда қадимий шаҳарлар, буюк олим ва мутафаккирлар, давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар юбилейларини кенг нишонлаш яхши анъанага айланиб қолгани журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Журнал ҳозирги пайтда Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги ҳамда хорижий давлатлар билан ўз халқи фаровонлиги ва гуллаб-яшнашига, тенг ҳуқуқлилик ва ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ўрнатишга йўналтирилган мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганини қайд этади.

Таъкидлаш жоизки, нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси бўйича ўз гўзаллиги ва улуғворлиги билан ҳамон дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келаётган қадимий ёдгорликларни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлигига масаласига алоҳида эътибор қаратган. Яқинда ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлайдиган қадимий Самарқанд шаҳри ҳамда табаррук Ўзбекистон заминида яшаган ва ижод қилган буюк алломаларга бағишланган мақолалар ҳам журналдан муносиб ўрин олган. Булардан ташқари, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари ҳамда республикамизда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирлар, яъни Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизими ҳақидаги мақолалар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Шу билан бирга, Пешавор университети ҳузуридаги Минтақавий тадқиқотлар (Россия, Хитой, Марказий Осиё) маркази муассислигида чоп этиладиган «Марказий Осиё» номли таҳлилий тўплама ҳам мамлакатимизга бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди.

**Ушбу марказ 1975 йилдан буён фаолият кўрсатади. У Россия, Хитой ва Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнлар таҳлилига холис ва ҳаққоний ёндашадиган тадқиқот маркази сифатида ном қозонгандир.**

2007 йилнинг 3 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Президент Ислом Каримовнинг Сингапурда чоп этиладиган «Today» газетаси мухбирига берган «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон» сарлавҳали интервьюси матни, Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Покистон - Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири» сарлавҳали мақолалар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиёти, иқтисодиёт ривожи, Марказий Осиёда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар таҳлилига оид ҳамда Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилингани мавзусига бағишланган мақолалар ҳам ушбу тўплам саҳифаларидан ўрин олган.

**«Жаҳон» АА
Исломобод**

ЖАМИЯТ СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 15 июнь № 24 (37)

***Бир қатор нодавлат ташкилотлар, жумладан халқаро майдонда ўз обрўсини йўқотиб қўйган Amnesty International ва Human Rights Watch сингари ташкилотлар Америка Марказий разведка бошқармасининг яширин турмаларида сақланаётган 39 нафар тутқуннинг рўйхатини эълон қилдилар, деб хабар тарқатди Associated Press агентлиги. Чамаси, улар шу йўл билан турли можаролар туфайли бой берилган мавқеларини тикламоқчи бўлишса, ажаб эмас.***

# ЯШИРИН ТУРМА ТУТҚУНЛАРИ

«МАҲБУС-арвоҳлар» деб аталувчи ушбу жабрдийдалар ҳақидаги ахборотлар турли манбалардан: озодликка чиққан маҳбуслар, АҚШ, Покистон ва Ямандаги расмий шахслардан олинган. Маҳбусларнинг 21 нафари ҳақида батафсил маълумотлар бор. Бу одамларнинг Марказий разведка бошқармаси турмаларида сақланаётганини тасдиқловчи бир қанча холис гувоҳлар ҳам мавжуд. Қолганлар ҳақида эса ярим-ёрти маълумотлар тўпланган. Айрим маҳбусларнинг номи Гуантанамонинг собиқ тутқуни Марван Ябур кўрсатмасига биноан рўйхатга киритилган. У сўроқ пайтида уларнинг фотосуратини кўрганлигини таъкидламоқда.



Рўйхатда Федерал қидирув бюроси томонидан «энг ашаддий террорист» деб қидирилаётган Мустафо Сетмариан Наср деган шахс ҳам бор. АҚШ расмийларининг далолат беришича, у 2005 йил Покистонда қўлга олинган, аммо бугунги кунда унинг қаерда сақланаётгани номаълум эмиш...

Америка президенти ўтган йили яширин турмалар борлигини тан олган, бироқ уларда ҳеч ким сақланмаяпти, деб баёнот берган эди. Бироқ...

# СОБИҚ ДАВЛАТ КОТИБИНИНГ ДАЪВАТИ

***АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл Гуантанамо ҳарбий базасидаги турмаларни ёпиш, у ерда ушлаб турилган тутқунларни АҚШ ҳудудига ўтказиш, уларнинг ишини эса фуқаролик судларига беришга даъват этди, деб хабар берди Los Angeles Times.***



ПАУЭЛЛ Америкада қарийб икки миллионга яқин одам қамоқларда сақланаётганини таъкидлаб, терроризмда гумонланган шахсларга ҳам адвокат ёллаш, суд тизимидаги мавжуд кафолатлардан фойдаланиш имконини яратиш лозимлигини айтган.

Собиқ давлат котиби Гуантанамо турмахоналари ҳақида фикр юритиб, «Бу жой айрим лидерларнинг хатоларини яшириш имконини беради», бироқ «унинг фойдасидан зарари кўпроқ» деган.

Эслатиб ўтамиз, Колин Пауэлл АҚШ давлат котиби лавозимида ишлаб турган кезлардаги айрим суҳбатларида Ироқ кампанияси натижаларидан норозилигини бир неча бор баён этган. Истеъфога чиққандан сўнг эса АҚШ маъмурияти фаолиятининг кўзгусига, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, уларнинг доимий танқидчисига айланди.

*Учинчи сектор*

# ҲАР ТОМЧИСИ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

**Кеча бутун жаҳонда Халқаро Донорлар куни кенг нишонланди**

***Бу санани ҳар йили республикамизнинг деярли барча вилоятларида 14 майдан 14 июнгача «Қон топшириш ойлиги» сифатида нишонлаш анъана тусини олган. Бу тадбирни ўтказишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, Ўзбекистондаги даволаш муассасаларида 244 та, шунингдек, 20 га яқин қон қуйиш станциялари ва «Қон инсонлар хизматида» каби нодавлат жамоат фондлари ҳам алоҳида ҳисса қўшадилар.***

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Жамият» мухбири**

ҲА, қоннинг ҳар томчиси ҳаёт демакдир. У шундай бебаҳоки, бемор ҳаётини сақлаб қолишда унинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Қон ва унинг таркибий қисмлари қон касалликларида, шунингдек, туғруқхоналарда ва турли фавқулодда ҳолатларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Лекин кейинги йилларда дунё миқёсида кўнгилли равишда қон топширадиган кишилар сони камайиб бормоқда. Бу эса кўп қон йўқотиб, касалхоналарга тушган инсонларнинг ўз вақтида ёрдам ололмаслигига, баъзи ҳолларда бемор ҳаёти фожеа билан якун топишига ҳам сабаб бўлаяпти. Пойтахтимиздаги «Қон инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди 2005 йил сентябрь ойида ташкил қилинганда, мазкур муаммонинг ечимини топиш, мамлакатимизда донорликни ривожлантириш мақсадлари кўзланган эди.



— Ҳозирда республикамизда 20 га яқин қон оладиган марказлар фаолият юритаяпти, — дейди Жамоат фонди ижрочи директори Шуҳрат Очилов. — Аммо у ерда асосан донорлар турли бахтсиз тасодиф туфайли шифохонага тушиб қолган қариндош-уруғлари учун қон топширувчилардир. Шу маънода, беғараз ва беминнат донорлик хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш, уни халқимиз орасида тарғиб қилиш фондимизнинг асосий мақсади саналади.

Бугунги кунда қон ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёж жуда катта. Агар фуқаролар бағрикенглик намунаси сифатида тиббий эҳтиёжлар учун қон топширсалар, улар инсонпарварлик ва меҳр-шафқат кўрсатган ҳолда мамлакат аҳлининг саломатлигини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшган бўладилар. Қон топширилиши ва бу қоннинг бирор инсон ҳаётини сақлаб қолиши дунёдаги энг улуғ ҳимматдир. Ваҳоланки, қон топшириш орқали бир ёки бир неча инсон ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.

***Донорлик 18 ёшдан ошган соғлом фуқароларга рухсат этилади. Бир марталик қон топшириш ҳажми 400 мл.ни ташкил этади. Организм бу қон миқдорини 36 соат ичида тиклаб олади. Қон топшириш саломатлик учун фойдали. Ҳусусан, қон янгиланиб туради, юқумли касалликларга чалиниш йўқолади, соғлом турмуш тарзи шаклланади.***

— Қон топширишнинг аҳамиятли томони шундаки, — дейди Шуҳрат Очилов, — донор киши нафақат ўзгаларга, балки ўзига ҳам ёрдам берган бўлади. Донорлик 18 ёшдан ошган соғлом фуқароларга рухсат этилади. Бир марталик қон топшириш ҳажми 400 мл.ни ташкил этади. Организм бу қон миқдорини 36 соат ичида тиклаб олади. Қон топшириш саломатлик учун фойдали. Хусусан, қон янгиланиб туради, юқумли касалликларга чалиниш йўқолади, соғлом турмуш тарзи шаклланади. Аксарият аҳоли эса бундан бехабар. Донорлик бўйича нотўғри тушунчада юрадилар. Бинобарин, фондимиз инсонларни донорликдай шарафли ишга жалб қилишни асосий вазифа деб билади.

«Қон инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди ўз фаолиятини нафақат мамлакатимиз пойтахтида, балки вилоятларда ҳам кенг йўлга қўймоқда. Ҳозиргача Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида фонд филиаллари инсонларни беғараз ва беминнат донорликка жалб қилиш ва донорликни ривожлантириш бўйича иш олиб бораяпти. Қолган вилоятларда ҳам филиаллар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ҳозирги пайтгача дунё миқёсида қоннинг ўрнини босадиган сунъий дори воситаси ёки манба яратилмаган. Демак, «Қон инсонлар хизматида» нодавлат жамоат фонди каби ташкилотларнинг фаолиятини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қолаверса, амалий ёрдам бериш жамиятимиз аъзоларининг шарафли вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Бинобарин, донорлик одамларда инсонпарварлик хислатини тарбиялайди ҳамда соғлом кишиларнинг беморларга нисбатан мурувввати, фуқаролик бурчини шакллантиради.

Спорт

*Хитой пойтахти Пекин қитъанинг энг нуфузли мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. 2008 йил бу ерда дунёнинг энг моҳир ва кучли спортчилари беллашадиган ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.*

# ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Умида АБДУЛЛАЕВА

УНДА иштирок этиш ҳуқуқини берадиган саралаш мусобақалари сайёрамизнинг турли бурчакларида ўтказиляпти. Шундай турнирлардан бирида ҳамюртимиз, енгил атлетикачи Гўзал Хуббиева зафар қучиб, Пекин—2008 баҳсларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

У Қозоғистонда ташкил этилган халқаро мусобақада 100 метрга югуриш бўйича 11,20 сония натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро турнир ҳам ўзбекистонлик спортчилар учун муваффақиятли якунланди. Баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил ҳам энг юқори натижа кўрсатгани учун Олимпиада ўйинларига йўлланма олди.

Бундан сал илгари енгил атлетиканинг ўнкураш бўйича устаси Виталий Смирнов Пекин—2008га йўлланмани қўлга киритган эди.

# ҚИТЪАДА ЕТАКЧИ

*Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўзбек бокс мактаби қитъада етакчи эканини яна бир карра исботлади.*

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

НУФУЗЛИ мусобақада Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилган ўн нафар боксчидан еттитаси шоҳсупага кўтарилдилар.

Ёшлар ўртасида Жаҳон чемпиони Элшод Расулов, Олимпиада ўйинлари совриндори Рустам Саидов ва умидли боксчимиз Аббос Отаев олтин медаль ва Осиё чемпиони, деган шарафли унвонни қўлга киритдилар.

Орзубек Шоимов ва Беҳзод Хидиров кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, учинчи ўринни эгаллаган Олимжон Назаров ва Жасур Матчоновга бронза медаллари топширилди.

Осиё чемпионатида жами еттита медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.




***Серқуёш юртимизда ёз фасли ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Бинобарин, ҳаво тандирдай қизийдиган жазирама кунлар ҳам етиб келди. Гарчи, саратон киришига ҳали бир ҳафтадан мўлроқ вақт бўлса-да, симоб устунлари воҳаларимизда қирқ даражага яқинлашиб қолди, чўл ҳудудларда эса бундан-да баландроққа кўтарилмоқда. Ёз — пишиқчилик фасли, мева-чева, қовун-тарвуз, турфа хил сабзавотлар дастурхонларимизга кўрк бағишлаяпти. Ёз таътиллар фасли ҳамдир. Баракали меҳнатдан сўнг мириқиб дам олиш, ҳордиқ чиқариш, янги ишларга куч-ғайрат йиғиш жуда муҳим. Зеро, таътилни кўнгилдагидай ташкил этиш учун об-ҳаво маълумотларидан ҳам бохабар бўлиш жуда асқотади.***

***Республика Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, 15-19 июнь кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 34-39 даража иссиқ, республика жануби ва чўл ҳудудларида 40-42 даража жазирама бўлади.***

***Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида: ҳаво ўзгариб туради, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Шарқ томондан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлиши кутилади.***

Хабар

# ЯПОНИЯ ТЕЛЕКАНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН

***Япониянинг йирик тижорат телеканалларидан бири — «Фужи ТВ»да Ўзбекистон Республикаси ҳақида ҳикоя қилувчи 45 дақиқали телекўрсатув намойиш этилди.***

УНДА республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида қўлга киритилаётган кенг кўламли ютуқлар, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи, ўзбек халқи маданияти ва диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Телекўрсатувда ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига алоҳида эътибор қаратилган, дея хабар беради «Жаҳон» АА.

«Буюк Ипак йўли»нинг чорраҳасида жойлашган Самарқанд Шарқ ва Ғарб цивилизациялари мулоқотида муҳим аҳамият касб этган, деб таъкидлайди «Фужи ТВ». Шаҳар ҳозирга қадар ҳам ўзининг бетакрор тарихий ёдгорликлари ва халқ яратувчилиги дурдоналари билан жаҳоннинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган жуда кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этиб келади».

Шунингдек, телекўрсатувда Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликларга хос мовий ранг ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Бу ранг буюк саркарда ва давлат арбоби — Амир Темур салтанатининг асосий рамзларидан бири бўлгани алоҳида қайд этилади. Маълумки, мовий ранг тириклик ва абадий ёшлик ҳамда умрбоқийлик тимсоли ҳамдир.

Суратга олиш ишлари Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасида бўлиб ўтди. Маълумки, мамлакатимизнинг ушбу дипломатия ваколатхонасида ўзбек халқ амалий санъати намуналарининг ажойиб тўплами билан танишиш имконини берувчи музей-кўргазма доимий равишда фаолият кўрсатмоқда.

Дастур ниҳоясида телетомошабинлар машҳур ўзбек миллий таомларини тайёрлаш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар.

Сайёҳлик мавсумининг энг қизғин пайтида эфирга узатилган бу телекўрсатув японияликларни Ўзбекистонга сафар қилишга, «Буюк Ипак йўли»нинг гўзаллигида бетакрор кўҳна шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентни ўз кўзлари билан кўришга ҳам даъват этди.

# ХОСИЯТИ БИР ДУНЁ




***Ер юзида энг кўп етиштириладиган полиз маҳсулотларидан бири — тарвуз. Унинг думалоқ шакли болаликдан нигоҳимизга сингиб қолган. Лекин кейинги йилларда тарвузни транспортда ташиш учун қулай бўлган туртбурчак шакллари ҳам етиштирилаётгани хусусида матбуотда хабарлар берилмоқда.***

Улуғбек БОБОЕВ

ТАРВУЗ ўта хушхўр, шифобахш неъмат, таркибида 10 фоизга қадар қанд, витамин каротин, органик кислоталар, жумладан, фолат кислотаси, пектин моддалари бор. Булардан ташқари тарвуз шарбатида фосфор, кальций, магний, темир, калий тузлари мавжуд.

Халқ табобатида тарвуз сув чечак ва сариқ касаллиги билан оғриган беморларга тавсия қилинади. Тарвузнинг қуритилган пўчоқларидан тайёрланган дамлама йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда фойда беради. Семиз одамни оздиришга ёрдам беради, у паришонхотирликнинг давоси сифатида ҳам қадрланади.

Тарвуз шарбати ўт пуфаги, буйрак ҳамда қовуқдаги майда тош, қумларни майдалаш ва организмдан чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Тарвуздаги қанд фруктоза кўринишида бўлгани сабабли, уни диабет билан оғриган беморлар бемалол истеъмол қилишлари мумкин. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг бадани шишганда тарвуз тавсия қилинади. Унинг шарбати жигар тўқималарини енгил сингийдиган қанд билан таъминлайди. Тарвузнинг таркибида фолат кислотаси борлиги унинг шифобахшлик даражасини янада оширади. У организмда холин моддаларининг ҳосил бўлишида бевосита қатнашади. Холин моддаси жигар фаолиятини яхшилаб, ёғ алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади.

Халқ табобатида тарвуз уруғидан ҳам фойдаланилади. Уни сут билан яхшилаб аралаштириб истеъмол этилса, қон кетишини тўхтатади. Тарвуз уруғининг мағизлари гижжа ҳайдовчи омиллардандир, шарбати подагра ва артритга даво сифатида тавсия этилади.

БОШ МУҲАРРИР
Сирожиддин РАУПОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ
МУАССИСЛАР
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали
НАВБАТЧИ МУҲАРРИР
Абдували ҚУТБИДДИНОВ
ДИЗАЙНЕР
Ҳабибжон БОЛТАЕВ
НАВБАТЧИ
Илҳом КАРОМОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-536
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
info@jamiyatgzt.uz
jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ⓣ — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти:00.50

2007 йил 15 июнь № 24 (37)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ


